

## LearnEnglish Family




learning  
together is fun!



Ёш болалар инглиз тилини ҳорижий тил  
сифатида қандай қилиб ўрганадилар





## Ёш болалар инглиз тилини ҳорижий тил сифатида қандай қилиб ўрганадилар

Ёш болалар табий равища тил ўрганувчилардир; улар тилни худди ўсмирлар ёки катталар каби идрок қилган ҳолда ўрганишсиз ўзлаштирадилар. Улар талаффузни имитация қилиш ва қоидаларни ўзлари тушуниб олиш қобилиятига эгалар. Инглиз тилида сўзлашишни ўрганиш қийин деган фикр уларни ақлига келмайди ҳам албатта агар бундай фикр вояга етганидан кейин грамматикага асосланган китоблар ёрдамида ўрганган бўлиши мумкин бўлган катта ёшли инсонлар томонидан уқтирилмаса.

### Эрта бошлашнинг афзалликлари

- Кичик ёшдаги болалар ҳали ҳам ўзларидағи она тилни ўрганишга мўлжалланган тил ўзлаштиришнинг туғма услубларидан фойдаланадилар ва тез орада ушбу услубларан инглиз тилини ўрганиш мақсадида ҳам фойдаланишлари мумкинлигини англаб етадилар.
- Ёш болалар ўйинга ўхшаш фаолиятлар орқали ўрганишга вақтлари бор. Улар тилни катта ёшли инсон билан биргалиқда бажарилаётган фаолиятда қатнашиш орқали ўзлаштирадилар. Улар аввал бажарилаётган ҳаракатнинг моҳиятини англаб оладилар, кейин эса катта ёшли инсон томонидан кўлланилган тилнинг маъносини ўзлаштирадилар.
- Ёш болаларда инглиз тилини ўзларининг қунлик дастурларига киритиш учун етарлича вақт мавжуд. Мактаб дастурлари нисбатан норасмий бўлиб, айни вақтда болаларнинг онги ҳали жойлаштирилиши ва синалиши лозим бўлган далиллар билан тартибсиз равища юклатилмаган. Уларга озгина уй вазифаси берилади ёки умуман берилмайди ва улар ўрнатилган стандартларга лойиқ бўлишга ҳаракат қилиб асабийлашмайдилар.
- Ёш болалик даврида иккинчи тилни ўрганиш имкониятига эга бўлган болалар кейинги бутун ҳаётлари давомида бошқа тилларни ўрганишда ҳам айнан ўша туғма услубларидан фойдаланадилар. Иккинчи, учинчи осонроқдир.

- 
- Тилни худди каттароқ ёшдаги болалар ёки катталар каби идрок этган ҳолда ўрганиш ўрнига уни бевосита ўзлаштирувчи кичик ёшдаги болаларда талаффузнинг ва ушбу тил ва маданиятга бўлган муносабатнинг яхшироқ бўлиши имонияти юқори.
  - Фақат бир тилни билуви болалар балоғатга етганинг ва ўзини тутишга кўпроқ эътибор бера бошлаганларида уларнинг тил ўрганиш қобилияти сусайиб боради ва улар инглиз тилини грамматикага асосланган дастурлар орқали идрок этган ҳолда ўрганишлари кераклигини ҳис этадилар. Ушбу ўзгариш рўй берадиган ёш асосан ҳар бир боланинг ривожланиш даражаларига ҳамда жамиятдаги уларга бўлган муносабатга боғлиқ.



## Инглиз тилини ўзлаштиришнинг босқичлари

Оғзаки тил табий равишида ўқиш ва ёзишдан олдин келади.


- Сукут сақлаш даври

Чақалоқлар ўз она тилларини ўрганаётгандаридан “сукунат даври”дан ўтадилар. Бунда улар қарайдилар, қулоқ соладилар ва юз ифодалари ёки имо-ишоралар орқали мулоқот қилишлари мумкин бўлади. Гапиришни бошлаш кейин келади. Кичик ёшдаги болалар инглиз тилини ўрганаётганларидан худди шундай “сукунат даври” бўлиши мумкин. Бу даврда мулоқот ва англаб етиш улар инглиз тилида биронта сўзни айтишларидан олдин рўй беради.

Бу давр мобайнида ота-оналар болаларни сўзларни такрорлатиш орқали оғзаки диалогда иштирок этиш мажбур қиласмасликлари лозим. Оғзаки диалоглар бир томонлама бўлиши керак, яъни катта ёшдаги инсоннинг гапириши болага тилни ўзлаштириш учун фойдали имкониятлар яратиши лозим. Катта ёшдаги инсоннинг болага тилни ўрганишда кўмаклашиш учун “перентис” (сўзлашнинг мослаштирилган услуби) дан фойдаланса, бола ўз она тилини ўрганишда кўллаган услубларидан бир қаторини кўллаши мумкин.

- Сўзлашишни бошлаш

Бирмунча вақтдан сўнг, инглиз тили машғулотларининг қанчалик тез-тез ўтказилганидан келиб чиқсан ҳолда, ҳар бир бола (кўпинча қизлар ўғил болалардан кўра тезроқ) сұхбат давомида ёки кутилмаган ҳолатларда алоҳида сўзларни (“cat”, “house”) ёки қисқа жумлаларни (“What’s that?”, “It’s my book”, “I can’t”, “That’s a car”, “Time to go home”) айта бошлайдилар. Бола буларнинг барисини айнан қандай талаффуз қилиниши орқали эслаб қолган ва буларнинг баъзилари биттадан кўп сўздан иборат эканлигини ҳам англамаган. Ушбу босқич бола янги сўзлар ва жумлаларни ўрганиб уларни сұхбатларда шундайлигича кўллар экан яна бир оз вақт давом этади ва шундан кейингина бола ўз жумлаларини тузга бошлайди.





- Инглиз тилини қура бошлаш

Болалар аста-секин эслаб қолган битта янги сүзига луғатларидағи мавжуд сүзлардан құшган ҳолда жумлалар тұза бошлайдилар (“a dog”, “a brown dog”, “a brown and black dog”) ёки эслаб қолинган иборага үз хиссаларини құшадилар (“That's my chair”. “Time to play”). Инглиз тилидаги мулоқотға қанчалик тез-тез учраши ва инглиз тилидаги улар дуч келәстә-секин бутун бошли гапларни тұза бошлайдилар.

### Тушуниш

Тушуниш доимо җажми гапиришдан күра кattaroқ бўлади ва болаларнинг англаш қобилияtlари кам кўрилмаслиги керак, чунки улар үз она тилларини турли хил контекстда англаш оладилар. Болалар үз она тилларида эшитган сүзларининг ҳар бирини англамасаларда, асосий мазмунни англаш оладилар, яъни улар бир нечта муҳим сүзларни англаш олганларидан кейин қолган сүзларнинг маъносини турли хил услубларни қўллаган ҳолда англаш оладилар. Катталарнинг ёрдами билан тез орада болалар мазкур “мазмунни англаш” қобилияtlарини инглиз тилига нисбатан ҳам қўллай бошлайдилар.

### Асабийлашиш

Инглиз тилидаги дастабки машғулотлардаги янгиликларидан сўнг, баъзи ёш болалар, айниқса ўғил болалар үз фикрларини инглиз тилида баён қиломаётганликларидан асабийлаша бошлайдилар. Баъзилари инглиз тилида ҳам үз она тилларида гапирганларидек тезда гапира бошлашни истайди. Бундай асабийлашишни болаларга ижро бўлаклари, масалан “Мен инглиз тилида 12 гача санай олман” ёки тайёр жумлалардан тузилган жуда ҳам оддий шеърларни ўргатиш орқали енгиб ўтиш мумкин.



## Хатолар

Болаларга хатога йўл қўйганликларини айтмаслик лозим, чунки ҳар қандай хато тўғирлаш ўша заҳоти боланинг иштиёқини сўндириб боради. Хатолар инглиз тили қоидаларини ўзлаштириш жараёнинг бир қисми ёки талаффуздаги янгилилк билан боғлиқ бўлиши мумкин. “I goed” бола катта ёшдаги инсондан қайта-қайта “yes, you went”ни эшитаверса, тез орада “went”га айланади; ёки катта ёшдаги инсон “zee bus” ни эшитиб, “the bus” деб тақрорласа. Худди ўз она тилини ўрганишида бўлгани каби, болалар катталарнинг айнан улар ишлатган сўзлар ёки жумлаларни тўғри кўринишида қайта-қайта тақрорлашларини эшитсалар, ўз хатоларини аста-секин тўғирлаб борадилар.

## Жинслар ўртасидаги фарқ

Ўғил болаларнинг мияси қизларнидан ўзгача тарзда ривожланади. Бу эса ўғил болалар тилни қандай ўзлаштириши ва ишлатишига таъсир қиласди. Баъзан аралаш синфлар ўғил болалар учун кўпам фойдали бўлмайди. Улар қизларнинг тилдан фойдаланиш бўйича табиий қобилиятларининг соясида қолиб кетадилар. Агар ўғил болаларнинг ўз салоҳигятидан тўлақонли фойдаланиши мақсад қилиб қўйилган бўлса, тилдан фойдаланиш бўйича босиб ўтиловчи йўл қизларнидан фарқли бўлиши керак. Шунингдек, уларнинг натижалари қизларники билан солиштирилмаслиги лозим.



## Тил ўрганиш мұхитлари

Агар ёш болалар түғри йұналиш билан таъминланмаса ва жараён давомида кattаларнинг "пепрентис" услугидаги ёрдами күрсатилиб борилмаса, уларға инглиз тилини ўрганиш қийин келади.

- Ёш болалар ўзларини хавфсиз сезишлари ва инглиз тилини құллаш учун аник сабаб борлигини билишлари лозим.
- Машғулотлар улар кундалик аснода бажаралығынан баъзи қизиқарлы ҳаракатларга боғлиқ бўлиши лозим, масалан, инглиз тилидаги суръатли китобни биргаликда ўқиши, инглиз тилида шеър ўқиши, "инглизча" овқат истеъмол қилиши.
- Нима бўлаётганлиги тўғрисида кattалар томонидан умумий шарҳлов амалга оширилиб борилувчи фаолиятлар ҳамда мослаштирилган перентис тили ёрдамида олиб борилган сұхбатлар
- Инглиз тилидаги машғулотлар завқли ва қизиқарлы бўлиши ҳамда болалар ўз она тилларидан яхши биладиган тушунчаларга асосланган бўлишлiği. Шундай қилинса, болалар бир вақтнинг ўзида иккита янги нарса ўрганишга мажбур бўлмайдилар. Яъни улар бир вақтнинг ўзида ҳам янгича тушунча ҳамда инглиз тилини эмас, ўзи биладиган нарсалар тўғрисида гапириш учун инглиз тилини ўрганадилар холос.
- Ҳаракатлар имкон қадар қандайдир предметларга асосланган бўлиши керак, чунки бу тилни тушунишга ёрдам берад ва умумий қизиқишини янада ривожлантиради.



## ҮҚИШ

Үз она тилида аллақачон үқиши биладиган болалар одатда инглиз тилида ҳам үқишиңи ўрганиб олишни истайдилар. Улар үз она тилларидағи мазмунни англаш үчүн қандай қилиб сүзларни мазмунини топишни биладилар ва агар инглиз тилидаги сүзлардан маъно чиқарышга ёрдам берлемаса, оқибатда инглиз тилидаги мазмуни үз она тилидаги талафуз билан үқий баштайдилар.

Инглиз тилидаги сүзларни түғри ўрганишдан олдин улар алифбодаги 26 та ҳарфларнинг номи ва товушини ўрганиб олишлари лозим. Инглиз тилида 26 та ҳарф ва ўртача олганда 44 та товуш (адабий инглиз тилида) борлигини ҳисобга олган ҳолда, болалар тилдан фойдаланиш ва үқишиңи яхшироқ ўрганиб олмагунларига қадар қолган товушларни таништирмай турған маъқул.

Инглиз тилида үқиши агар ёш болалар үқишиңа ҳаралат қилаётган тилларини яхши билсалар, осонрә кечади. Күпчилик болалар, агар улар суръатли китобларни катта ёшдаги инсонлар билан бирга ўрганиб чиқсан бўлсалар ёки шеърлар ўрганган бўлсалар, инглиз тилида қандай үқишиңи ўзлари тушиниб оладилар, чунки улар ушбу услубларда яхши микдорда янги сўзлар ва жумлаларни ўрганиб олган бўладилар. Үқишиңи ўрганишда болалар ёддан биладиган нарсаларни үқишишлиги муҳим босқич ҳисобланади, чунки бу қандай қилиб оддий сўзлар мазмунини мустақил равишда чақиш имконининг мазмунини мустақил равишда чақиш имконининг



ятини беради. Болалар ўзлари ўқий оладиган сўзлар бойлигини шакллантириб олганларидан сўнг уларда ўзларига ишонч ҳосил бўлади ва энди улар янада тартибга солинган ёндошувни қўллашга тайёр бўладилар.

## Ота-она кўмаги

Болалар ютуқларга эришаётганларини билиб туришлари лозим. Улар доимий равишда рағбатлантирилиб туришлари ва кўрсатган яхши натижалари учун мақтov эшитиб туришлари лозим. Чунки, ҳар қандай муваффақият инсонни рағбатлантиради. Ота-оналар рағбатлантириш учун энг қулай ўрин эгаллаганлар. Шундай экан улар агар ўзлари инглиз тили бўйича фақат дастлабки даражадаги билимларга эга бўлсалар ҳам фарзандларининг ушбу тилни ўрганишларига яхши ёрдам бера олишлари ва ушбу жараёнда ёш болалари билан бир қаторда ўз билимларини ҳам бойитиб олишлари мумкин бўлади.

Биргаликда ўрганиш орқали ота-оналар нафақат фарзандларининг инглиз тилисини ва ушбу тилдаги машғулотларини оила ҳаётига тадбик этадилар, балки кичик ёшдаги болаларининг тил ўрганиш ҳамда бошқа миллатлар маданияти билан танишишга бўлган муносабатларига таъсир кўрсата оладилар. Ҳозирги кунда барчага маълумки, инсон ҳаёти давомида суннадиган муносабатларнинг аксарияти у 8-9 ёшга етгунига қадар шаклланиб бўлар экан.

Кўшимча маълумот учун мурожаат манзили: [www.britishcouncil.org/parents](http://www.britishcouncil.org/parents)

Биргаликда ўрганиш жуда завқли!







[www.britishcouncil.org/parents](http://www.britishcouncil.org/parents)

Ота-оналарга күмаклашиш учун Британия Кенгашы томонидан яратилган бир қатор құлланмалардан бири.  
Буюк Британия мұаллифи ва Таълим Маслаҳатчиси Опал Данн томонидан ёзилған.

© British Council 2008

The United Kingdom's international organisation for cultural relations and educational opportunities.

A registered charity: 209131 (England and Wales) SC037733 (Scotland).